

**ТИМПАНОПЛАСТИКАДА КСЕНОТРАНСПЛАНТАТ (ҚҮЙ
ПЕРИКАРДИ) ҚҰЛЛАШНИНГ МАКРО- ВА МИКРОСКОПИК
МОРФОЛОГИК НАТИЖАЛАРИ**

**Хасанов У.С., Ботиров А.Ж., Абдуллаев У.,
Ходжанов Ш.Х., Джсураев Ж.А., Норжигитов Ф.Н.
Тошкент тиббиёт академияси**

Аннотация. Оториноларингологнинг амалий фаолиятида күпинча тимпанал ва неотимпанал мембраналарнинг бутунлигини тиклаш учун пластик материалларга ўткир эхтиёж мавжуд бўлганда клиник ҳолатлар кузатилади. Шу максадда отожарроҳлар күпинча қуйидаги материаллардан фойдалана бошлишди: чакка мушагининг фасцияси, тоғай ва тоғай усти пардаси, суяқ усти пардаси, бурун тўсиги ва лунж шиллиқ қавати, вена девори, амнион парда, полимер имплантлар, икки-, уч қаватли трансплантаатлар. Отиатрияning катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммоларидан бири – ўрта қулоқнинг сурункали яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларда товуш ўтказув тизимининг бутунлигининг бузилишини тиклашdir.

Калит сўзлар: ксенотрансплантат, ўрта отит, ногора парда.

Кириш. Сурункали ўрта отит ва унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган асоратларининг бир қисми: юз нерви парези, эшитиш заифлашуви, жиддий отоген мия ичи асоратлар ва беморларнинг яққол ижтимоий дезадаптацияси кабилар ЛОР аъзолари касалликлари ичida етакчи ўринни эгалламоқда, шу билан бирга бу патологияни даволашда қўлланилаётган жарроҳлик даволаш усуллари доимо қониқарли натижаларга эришиш имкониятини бермаяпти [3].

Агар ногора пардада катта бўлмаган чети бўйлаб ва марказий перфорациясини тимпанопластикада беркитиш муаммоси бўлса буни амалий ечимга эга деб ҳисоблаш мумкин, шунингдек ўртача, субтотал ва тотал бўлган ногора парда дефектини беркитишда кўпчилик яхшироқ натижалар олишга умид билдиришади [5].


Кенг қамровли илмий мунозаранинг асосий муаммоси ногора парда пластикасини беркитишдаги усулларни такомиллаштириш ва шу билан ижобий функционал натижаларга эришишни таъминлашdir. Айрим хорижлик муаллифларнинг кузатувларида ногора парда субтотал ва тотал перфорациясини беркитишда тимпанопластиканинг қониқарсиз натижалари 3% дан 57 % гача ҳолатни ташкил этган [2-6]. Сурункали ўрта отит ва унинг асоратлари билан жабрланаётган беморларни жарроҳлик реабилитациясининг асосий

муаммосидан бири кўпроқ кенг бўлган ноғора парда перфорацияси пластикаси ҳисобланиши, ҳозирда қўлланилаётган жарроҳлик усулларини айтиб бўлмайдиган морфо-функционал оқибати билан тушунтирилади [7]. Кўпчилик ҳолларда жарроҳлик амалиётининг қониқарсиз натижалари: ноғора парда ҳалқаси соҳасида кўчириб ўтқазилган лаҳтакнинг силжиши, қўлланиланилаётган трансплантатнинг етарлича қаттиқлиликга эга эмаслиги сабабли лаҳтакнинг осилиб қолиши ёки ноғора бўшлиғи медиал деворига ёпишиши, ташқи эшитув йўли орқали ноғора бўшлиғини ифекцияланишини келтириб чиқарадиган йўлни тиклаш яъни тимпанопластиканинг юқори функционал натижасига эришишимизга умид боғлай олмаймиз [8]. Жарроҳлик амалиётининг функционал натижалрини яхшилаш мақсадида бир қанча муаллифлар амалиётни икки босқичда олиб боришни, бунда биринчи босқичда тимпанопластика, кейинги босқичда тимпанотомия билан оссикулопластика амалиётини бажариш кераклини таъкидлашади.


Натижалар. Тимпанопластикада қўй перикардидан тайёрланган ксенотрансплантатнинг морфологик текширувлари натижаси тадқиқотнинг 3 суткасида тимпанопластика зонасида ва унинг атрофида микроциркулятор оқим томирларида қон тўлиши, периваскуляр зонага диапедез қон қуилиши, посткапилляр венулалар ва чекка қисмда жойлашган оқ қон танаchalарининг кенгайиши кўринишидаги дисциркулятор ўзгаришларни кўрсатди. Бевосита ўтқазилган перикард атрофидаги ушбу ўзгаришлар ташқи эшитув йўли девори юмшоқ тўқималарида қон қуилишлари, юмшалишлар ва фибринойд некроз рўй бериши билан кузатилди. Қон томирлари кенгайган, улар эндотелиал ҳужайралардан ташкил топган янги томирли куртакчалар кўринишидаги пролиферация ҳолатида (расм 1). Уларнинг деворида эндотелиал ҳамда перицитар ҳужайраларнинг пролиферацияси кузатилади. Томирлар оралиғида, айниқса, посткапилляр венулаларда қондаги нейтрофил лейкоцитлар ва моноцитларнинг чекка қисмда жойлашганлиги аниқланган бўлиб, уларнинг баъзилари венулаларнинг деворига кўчиб ўтади ва томирлар атрофида катта бўлмаган ҳужайралари инфильтрацияни шакллантиради. Ўрта қулоқ юмшоқ тўқималарининг ўрта қобиқларидаги бириктирувчи тўқимали толали тузилмалар ялиғланиш ҳужайралари билан фрагментация ва инфильтрация ҳолатида бўлади. Ўрта қулоқ юмшоқ тўқималарининг юқорида келтирилган морфофункционал ўзгаришлари операцион шикастланиш ва ксенотрансплантатга нисбатан ўткир дисциркулятор, шишли-деструктив ўзгаришларнинг ривожланишидан далолат беради.

Ўтказилган перикард томонидан ташқи юза қисмнинг юмшалиши ва гомогенлашуви аниқланди. Толали қисмлар тартибсиз жойлашган, гомогенлашган ва гематоксилин билан янада интенсив базофил бўялган

фибринойд некроз қаватини шакллантиради (расм 2). Перикард ўрта қобиғининг толали қисмлари шиши, юмшалиш ва бир оз бўкишга учраган. Бу ҳолатда перикард ўрта қаватларининг ҳужайрални элементлари ядроли тузилмалар ҳамда цитоплазма элементларини яшаб ўтган холда бўкиш кўринишида бўлган.



Расм 1. Тимпанопластиканинг 3-куни. Ксенотрансплантатда кон томир(КТ) элементларини пролиферацияси, атроф тўқималарда лейкоцит ва моноцитларни миграцияси, толали тузилма(ТТ)ларни ёзилиши атрофида шиш(Ш) пайдо бўлиши. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан. Кат:ок.10, об 20.




Расм 2. Тимпанопластиканинг 3-куни. Перикард ташқи қаватида некроз (Не) пайдо бўлиши, ўрта қават толали тузилмаларни ёйилиши. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан. Кат:ок.10, об 20.


Миинглпластикадан кейинги 7 суткада миинглпластика зонаси ва унинг атрофларидаги дисциркулятор ўзгаришлар микроциркулятор оқим томирларининг яллигланиши гиперемияси, улар деворларининг юпқалашуви ва полинуклеар ҳамда мононуклеар лейкоцитларнинг периваскуляр зонага кўчиши, перикард ва уни ўраб турувчи тўқима чегарасида яллигланиш инфильтратининг шаклланиши кўринишидаги жавоб яллигланиш жараёнларига ўтади. Бу ҳолатда посткапилляр венулаларкенгайган, уларнинг девори юпқалашган, эндотелиал ҳужайралар бўкишга учраган, бу ҳужайралар орасидаги бўшлиқ кенгайган бўлиб, у ерда эндотелиаларо ўтиб юрувчи лимфоцитлар ва моноцитлар аниқланади. Ўтказилган перикард ва ўрта қулоқ юмшоқ тўқималарининг чегарасида лимфоид ва гистиоцитар ҳужайралардан ташкил топган яллигланиш инфильтрати шаклланган (расм 3). У трансплантат тикланишининг пролифератив инфильтрати хисобланади. Тегишли бириктирувчи тўқимада юмшалиш ва бўкиш, баъзи жойларда толали қисмларнинг гомогенлашуви кузатилиб, уларнинг орасидаги бириктирувчи тўқимали ҳужайралар ядроли тузилмаларнинг гипертрофияси ва гиперхромазияси кўринишидаги пролиферация ва фаоллашув ҳолатида бўлади.

Ксенотрансплантат томонидан унинг ташқи қобигининг сақланиши ва юмшалиш жараёнининг бир оз чукурлашуви ҳамда фибриноид некроз кўринишидаги деструкцияси кузатилиб, унинг таркибида фаоллашган лимфоид ва макрофагал ҳужайралар пайдо бўлади (расм 4). Лимфоид ва макрофагал ҳужайралар фибриноид тўпламни сўриб олади ва перикарднинг ўрта қатламларигача етиб боради. Бу ерда яллигланиш ҳужайралари перикарднинг хусусий ҳужайралари билан периваскуляр шишиш ва хусусий биритиравчи ҳужайраларнинг пролиферацияси кўринишида бирлашади. Перикарднинг ўрта қаватида толали қисмларнинг юмшалиши ва гомогенлашуви негизида хусусан перикардиал ҳамда реактив келиб чиқишига эга бўлган фаол ҳужайраларнинг пайдо бўлиши кузатилган. Мазкур ўзгаришлардан ташқари, перикарднинг ўрта қаватларида толалараро шишиш ўчоқларининг пайдо бўлиши билан толали қисмларнинг мукoid бўкиш ва миксаматоз ўчоқлари пайдо бўлади.

Шундай қилиб, қўй перикарди ксенотрансплантациясидан кейинги ушбу муддатда трансплантатнинг ўрта кулоқ девори юмшоқ тўқималарининг чегарасида лимфо-гистиоцитар ҳужайралардан иборат яллигланиш инфильтратининг шаклланиши кўринишидаги битиши кузатилиб, у тикланишнинг пролифератив инфильтрати ҳисобланади. Хусусий лимфо-гистиоцитар ҳужайраларнинг ўтказилган перикарднинг ўрта қаватларигача қўшилиб кетиш ва аралаш таркибли ҳужайралар инфильтратларининг шаклланиши кўринишида кириб бориши аниқланди.



Расм 3. Тимпанопластиканинг 7-куни. Ксенотрансплантат ва атрофи юмшоқ тўқима орасида яллигланиш инфильтрати(ЯИ)ни лимфоид ва гистоцитар ҳужайралари ҳисобига пайдо бўлиши. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан. Кат:ок.10, об 20.




Расм 4. Тимпанопластиканинг 7-куни. Ксентрансплантатни атроф тўқима билан чегарасида яллигланиш инфильтрат(ЯИ)ини кучли номоён бўлиши, ўрта қаватда толали тузилма(ТТ)ларни гомогенезацияси ва актив ҳужайраларни пайдо бўлиши. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан. Кат:ок.10, об 20.


Тимпанопластикадан кейинги 14 кунда морфологик текширувлар шуни күрсатадыки, ушбу муддатда ксенотрансплантатнинг чекка қисмлари бўйича перикард тўқимали тузилмаларининг атрофдаги юмшоқ тўқима ва сужли асос билан бирикиши кузатилади. Бу ҳолатда перикарднинг тўқимали тузилмалари тўлиқлигича бузилган ва атрофдаги юмшоқ ҳамда сужли тўқималар билан жойи ўзгарган. Ташқи эшитув йўлининг териси томонидан ҳам перикарднинг терининг таркибий элементлари билан тўлиқ бирикиши кузатилган. Фақатгина операцион кесимнинг зоналарида грануляцион тўқималар ва яллиғланиш ҳужайраларидан иборат бўлган катта бўлмаган пролифератив инфильтрациянинг пайдо бўлиши аниқланган.

Бу ҳолатда перикард толали қисмларининг силжиши ўрта қулок девори юмшоқ тўқималарининг толали қисмлари билан зич ёпишиб қолиши кузатилди. Перикард толали-хужайрали қисмларида интерстиция ҳисобига кўпроқ бўкиш кузатилиб, тўлқинсимон тузилмалар ҳолатида бўлган. Хужайрали элементлар кам сонли ва узунчоқ шаклда бўлиб, толали қисмлар билан зич боғланган (расм 5). Маҳаллий тўқиманинг толали-хужайрали қисмлари янада қаттиқроқ ва толали қисмлар ҳамда хужайрали элементларнинг интенсив бўялувчанлиги туфайли гиперхромдир. Томирлар нисбатан торайган, девори эндотелиал ҳамда перицитар хужайрали элементлар пролиферацияси ҳисобига қалинлашган.

Атрофдаги юмшоқ тўқималарда яллиғланиш пролифератив инфильтрациясининг мавжудлиги кузатилиб, у трансплантатни ҳар томондан ўраб турди ва тўқимали тузилмаларнинг қаттиқлашуви ва қалинлашуви билан кузатилади. Томирларнинг кенгайиши, уларнинг девори ва атрофида лимфогистиоцитар хужайралар билан инфильтрацияси аниқланган. Толали қисмлар ҳам хужайрали элементлар гомоген оқсил тузилмаларининг янги ҳосил бўлиши ҳисобига қалинлашган. Тери томонидан асосан тери дермасининг хусусий пластинкасидаги яллиғланиш пролифератив инфильтрациясининг мавжудлиги ҳисобига дерманинг қалинлашуви кузатилади. Қопламали кўп қаватли эпителий эпителиоцитларнинг акантози ва гиперкератози ҳисобига қалинлашган (расм 6).



Расм 5. Тимпанопластиканинг 14-куни.
Перикарднинг толали хужайрали тузилмасини янада ёйилиши




Расм 6. Тимпанопластиканинг 14-куни.
Ксенотрансплантатни ташқи юзаси томонидаги дермани

хужайралараро шиши ҳисобида ривожланади. Толали хужайравий тузилма(ТТ) маҳаллий тўқимада зичроқ кўриниши толалар ва хужайра элементларини яхши бўялиши билан боғлиқ. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан. Кат:ок.10, об 40.

Тимпанопластиканинг 21 кунида ксенотрансплантат таркибида деструктив ўзгаришлар ҳажмининг камайиши аниқланди. Перикард яллиғланган ўчоқларида ёш гистиоцитар хужайраларнинг етук гистиоцит ва фиброцитларгача етилиши ва дифференциациялашуви билан бирга толали қисмларнинг ҳосил бўлиши қузатилиб, улар перикарднинг толали элементлари билан қўшилиб, қаттиқ ва қалин фибрилляр тузилмаларни шакллантиради. Ван-Гизон усули бўйича гистокимёвий текшириш натижалари шуни кўрсатди, ўтказилган ксенотрансплантат таркибида пикрофуксин билан ёрқин қизил рангга бўялган қалин тутамлардан иборат толали қисмлар кўпаяди (расм 7). Юзада регенератив кўп қаватли эпителийнинг янги ҳосил бўлган эпителиал хужайралари бўлиб, сариқ-жигар рангга бўялган.


Суяк тўқимаси томонидан суяк устки қаватига ўхшаш бўлган, хужайрали-тўқимали бириктирувчи тўқимадан иборат бўлган юпқа қатламнинг ҳосил бўлиши аниқланди. Унинг таркибида йирик ва гиперхром фибробластлар ҳамда янги ҳосил бўлган толали қисмлар мавжуд бўлиб, улар компакт суяк пластинкасига зич равишда ёпишган. Суяк пластинкасининг таркибида шунингдек, остеобластларнинг фаоллашуви, толали қисмларнинг қалинлашуви ва оҳаклашуви кузатилади. Та什қи эшитув йўлининг териси томонидан яллиғланиш-грануляцион тўқимадан етук бириктирувчи тўқиманинг ҳосил бўлиши ҳамда унинг гиподерма ва дерманинг фиброз тўқимаси билан қўшилиши аниқланди.



Расм 7. Тимпанопластиканинг 21-куни. Ксенотрансплантатдаги толали тузилма(ТТ)ларни сонини

қалинланиши яллиғланиш пролифератив инфильтрация(ЯИ)си ҳисобига ривожланса, кўп қаватли ясси эпителий(КЯЭ)ни қалинлашиши гиперкератоз(Гкз) сабабли пайдо бўлади. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан. Кат:ок.10, об 40.

Тимпанопластикадан 1 ойдан сўнг. Ксенотрансплантат таркибидаги толали тузилмаларни




Расм 8. Тимпанопластикадан 1 ойдан сўнг. Ксенотрансплантат таркибидаги толали тузилмаларни

<p>ва ташқи қаватини қоплаган кўп қаватли ясси эпителий(КЯЭ)ни регенерациясини ошиши. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 40.</p>	<p>дифференциаллашиши ва зичлашиши.Трансплантат таркибидаги ҳужайравий элементларни сонини камайиши. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 40.</p>
--	---

Ксенотрансплантациядан кейин 1 ойлик муддатдаги морфологик текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, тадқиқотнинг ушбу муддатида ксенотрансплантатнинг таркиби ва атрофдаги тўқималарда яллигланиш ҳужайраларининг йўқ бўлиши, камбиал гистиоцитар ҳужайраларнинг етук гистиоцитлар ва фиброзитларгача етилиши ва дифференциаллашуви кўринишидаги регрессив ҳолатларнинг ривожланиши рўй берди. Бириктирувчи ҳужайраларнинг бундай регрессив дифференциаллашуви яллигланиш пролифератив инфильтрация ҳажмининг камайиши, ёш гистиоцитар ҳужайраларнинг фиброзит ва гистиоцитларгача тезда етилиши ҳамда толали қисмлар қалин тутамларининг ҳосил бўлиши билан кузатилди. Томирлар камайиб, уларнинг оралиғи торайиб борган, девори эндотелиал ва перицитар ҳужайраларнинг дифференциаллашуви туфайли юпқалашиб борган. Шунингдек, гемодинамик ва шишиш ҳолатлари барқарорлашган юпқа деворли томирларнинг миқдори камайган. Янги ҳосил бўлган бириктирувчи тўқима ва перикард таркибидаги толали қисмларнинг ҳажми кичрайган, алоҳида қаттиқ ва дифференциаллашган толали тутамларга айланиб (расм 8), бир томондан суяқ тўқимаси билан, бошқа томондан суяқ дермаси билан мустаҳкам боғланган.

Перикард тимпанопластикасидан 3 ойдан кейин операцион майдонда барча умумпатологик, яллигланиш ва регенератор ўзгаришларнинг тўлиқ йўқ бўлиши кузатилган. Перикард тўқимасининг атрофдаги тўқималар билан тўлиқ бирикиши аниқланиб, микроскопик жиҳатдан таркиби ҳамда етуклиги бўйича маҳаллий бириктирувчи тўқимадан фарқ қилмаган. Фақатгина бир оз дифференциаллашган фиброзитар ҳужайралари ва ангиоматоз белгилари бўлган катта бўлмаган қисмларнинг сақланиб қолинганлиги кузатилди.

Бу ҳолатда ўтказилган ксенотранслантат таркибida коллаген толаларнинг тутамларидан ташкил топган толали қисмларнинг қўпайганлиги аниқланди. Толали тутамлар оралиғида фиброзит ва фибробластлар ҳамда артериал типидаги ягона томирлар кўринишида намоён бўлган алоҳида ҳужайрали элементлар аниқланди. Ксенотрансплантатнинг юзасида кўп қаватли эпителийнинг шаклланиши аниқланган, бироқ эпителиоцитлар юмшалган ва тартибсиз жойлашган бўлиб, кўп қаватнинг алоҳида қаватларини фарқлашнинг иложи бўлмаган кўп қаватли эпителийни янгидан шакллантиради. Эпителийнинг юза қаватлари парчаланиш ва десквомация ҳолатида (расм 9).



Расм 9. Тимпанопластикадан 1 ойдан сўнг. Бу муддатда ксенотранлантат ташқи томонидан кўп қаватли яssi эпителий билан қопланиши алоҳида эпителий қаватидан фарқ қилмайди. Толалар орасининг айрим жойларида артериал типдаги томирлар ва алоҳида фиброцит ва фибробластлардан иборат ҳужайра элементлари аниқланиши кузатилади. Бўялиш:гематоксилин ва эозин билан. Кат:ок.10, об 40.

Хулоса. Шундай қилиб, қўй перикарди ксенотрансплантациясидан кейинги морфологик текширувлар динамикада шуни кўрсатдики, ўтказгандан кейинги эрта муддатларда маҳаллий тўқима томонидан тикланишнинг пролифератив яллиғланиш инфильтрати ривожланади, ўтказилган перикард томонидан эса юза қатламларнинг парчаланиши ва некрози, ўрта қаватларнинг яллиғланиш ҳужайралари билан инфильтрацияси кузатилади. Тадқиқотнинг кейинги муддатларида трансплантат тўқимали элементларнинг маҳаллий тўқимали элементлар билан силжиши ва яллиғланиш инфильтрацияси ҳажмининг камайиши, перикард таркибида лимфо-гистиоцитар ҳужайраларнинг фиброцитлар ва гистиоцитлар кўринишидаги етук ҳужайрали тузилмаларгача етилиши ва дифференциаллашуви, кейинчалик қалин толали қисмларнинг шаклланиши ва қопламали кўп қаватли эпителийнинг регенерацияси содир бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ahmad Daneshi, HesamJahandideh, Ali Daneshvar, Mahdi Safdarian. Bilateral same-day endoscopic transcanal cartilage tympanoplasty: initial results,Brazilian Journal of Otorhinolaryngology,Volume 83, Issue 4,2017,Pages 411-415
2. Bengang Peng, Miao Xutao, Wang Xin, Zhu Sixiang, Sun Yiqing. Experience with Overlay Tympanoplasty in 83 Chinese Patients,Journal of Otology,Volume 9, Issue 1,2014,Pages 43-47
3. Chih-Chieh Tseng, Ming-Tang Lai, Chia-Che Wu, Sheng-Po Yuan, Yi-Fang Ding. Learning curve for endoscopic tympanoplasty: Initial experience of 221 procedures,Journal of the Chinese Medical Association,Volume 80, Issue 8,2017,Pages 508-514

4. J.-C. Riss, S. Roman, E. Morredu, A. Farinetti, R. Nicollas, J.-M. Triglia. Butterfly-cartilage tympanoplasty in children: A 28-case series and literature review, European Annals of Otorhinolaryngology, Head and Neck Diseases, Volume 133, Issue 3, 2016, Pages 179-182
5. Mohamed Saad Hasaballah, Ossama Ahmad Mohamad Abdel Hamid, Tarek Abdel Hamid Hamdy. Audiological and otological outcome in Bi-island chondroperichondrial graft type I tympanoplasty, Egyptian Journal of Ear, Nose, Throat and Allied Sciences, Volume 15, Issue 3, 2014, Pages 183-188
6. Pinar E. et al. Evaluation of prognostic factors and middle ear risk index in tympanoplasty //Otolaryngology–Head and Neck Surgery. – 2008. – T. 139. – №. 3. – C. 386-390.
7. Sanjana Vijay Nemade, Kiran Jaywant Shinde, Chetana Shivadas Naik, Haris Qadri. Comparison between clinical and audiological results of tympanoplasty with modified sandwich technique and underlay technique, Brazilian Journal of Otorhinolaryngology, Volume 84, Issue 3, 2018, Pages 318-323
8. Waleed Abdelhameed, Ibrahim Rezk, Alhussein Awad. Impact of cartilage graft size on success of tympanoplasty, Brazilian Journal of Otorhinolaryngology, Volume 83, Issue 5, 2017, Pages 507-511